

Бунда, уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган тўловларни табақалаштирилган тарифда амалга оширадиган Истеъмолчилар бўйича энергия сарфи бўйича ҳисоботда ишлатилган электр энергия (актив ва реактив) тўлиқ ҳажмидан ташқари тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтларда фойдаланилган энергия ҳажмлари алохидаги кўрсатилиши шарт.

3.6. Тарифлар ўзгарганда Истеъмолчи етказиб берилаётган энергия учун янги тарифлар киритилган кундан бошлаб янги тарифлар бўйича ҳақ тўлайди.

3.7. Энергия учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, Корхона уларнинг кучга киришидан камида ўн беш кун олдин қарорни оммавий ахборот воситаларида эълон қиласди.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан қатъий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳақ тўлашга мажбурдир.

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар Энергия (шу жумладан, актив ва реактив энергия)нинг аванс тарикасида тўланган ҳажми учун тўлов кунидан бошлаб кейинги 1 ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўшимча тўлов тўлашдан озод этилади.

Арифметик хатоликлар, тарифларни нотўғри кўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортиқча тўловлар тегишли тариф бўйича кВт соатларда қайта ҳисоблаб чиқлади ва Корхона томонидан даъво муддати доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёки кўшимчалар билан биргаликда ҳисобга олинади.

3.8. Истеъмолчига энергияни етказиб бериш келгуси ҳисоб-китоб даври бошланишидан олдин энергиянинг шартномавий микдори қиймати учун олдиндан юз фоизлик (100%) ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Бунда, ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин билдириги тартибида Бюрога мурожаат қилганлари тақдирда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида етказиб берилишига йўл қўйилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳамда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаётган истеъмолчилар томонидан ойнинг охиригача якуний ҳисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур истеъмолчига нисбатан электр тармоқларидан тўлиқ узишгача бўлган чоралар кўрилади.

3.9. Истеъмолчи уланган қувватидан қатъий назар, крипто-актив ва майнинг соҳасида фаолиятни амалга оширганда (турли криптовалюталарда янги бирликлар ва комиссия йигимлари форматида мукофот олиш имконини берадиган тақсимлаш платформасини таъминлаш ва янги блоклар яратиш бўйича фаолият) фойдалангандаги электр энергияси учун тўловларни тегишли тариф гурухига асосан белгилангандаги тарифга нисбатан 3 баробар ўсуви коэффициентга мувофиқ тўлайди. (*Ўз.Р. Вазирлар Маҳкамасининг 09.12.2019 йилдаги 979-сонли қарорига асосан мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради*)

3.10. Корхона энергия сарфи тўғрисидаги ҳисобот асосида белгилангандаги тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади ҳамда беш куни ичida тўлов амалга оширилиши лозим бўлган ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варагини ёзиб беради.

Истеъмолчи турли тариф гурухларига тегишли бўлган бир нечта обьектга эга бўлса, ҳар бир тариф гурухи учун тариф сарфлаган ҳажми кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура ёзилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли қарорига мувофиқ Корхона томонидан маҳсус дастурий маҳсулот орқали ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варагини электрон ҳисобварак-фактура шакллантирилади ҳамда сотиб оловчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

3.11. Ҳисобга олиш прибори ушбу Шартномага 4-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича масъуллик чегараси далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 5-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори қувватга уланган, табакалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган Истеъмолчи учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқланиб, мутаносиб равишда жами олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳақини ёзиш учун қўшиб борилади.

3.12. Истеъмолчи энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисботни Шартномада кўрсатилган муддатда тақдим этмаган тақдирда, Корхона энергия истеъмолининг шартномада қайд этилган микдори бўйича ёки ўтган давр учун ҳақиқатдан истеъмол қилинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотлар асосида тўлов ҳисоб-варагини ёзди ва Истеъмолчининг шахсий ҳисоб ракамида бу ҳақида тегишли белги қўйилади.

Бюро ҳисоблаш приборидан кўрсаткичларни назорат тартибида ёзib олгандан кейин, Корхона амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китобни белгиланган тартибида амалга оширади.

3.13. Истеъмолчининг энергия ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси тарифга устамалар, шунингдек ҳисобга олинмаган энергияни, (ноконуний фойдаланилган электр энергияси) қайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтириллади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

Истеъмолчи томонидан Шартномада кўрсатилган электр энергияси ҳажмини тўлик истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тарикасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

Ҳисоб-китоб ойидан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати ўтган деб ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи микдорида, электр энергияси махсус тартибида етказиб бериладиган корхоналар учун эса 0,2 фоиз микдорида пеня ҳисобланади. Бунда пенянинг умумий микдори, муддати ўтган тўловларнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

3.14. Шартномада ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия микдоридан 5 фоиздан ортиқ микдорда энергия истеъмол қилганда, Истеъмолчидан Шартномада кўрсатилган микдордан ортиқ ортиқ истеъмол қилинган энергияси жами ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари микдорида тўлов ундирилади.

3.15. Истеъмолчи ва Корхона ҳар ойда, ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

3.16. Истеъмолчини куйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади:

шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;

ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Бюро талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг вакилларига ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олиш учун рухсат этилмаганда;